


ИСТИҚЛОЛ ВА БИЗ

# Бугунимиз сермазмун, эртамиз порлоқ

**Дилбар ТОҲИРОВА,**
**«Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти тикувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими:**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» СЎРОВНОМАСИ



**1. Мустақиллик йиллари рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари нималарда намоён бўлмоқда деб ҳисоблайсиз?**

— Инсон яшар экан, ҳамиша ўтган кунлар сарҳисоб қилиниб, ортингга нигоҳ ташлайсан. Мен ҳам ўтган кунларга қайтар эканман, бугунимнинг, эртамнинг тобора сермазмун бўлиб бораётганини дил-дилимдан ҳис этаман. Айниқса, Истиқлол йилларида бу нарса янаям яққолроқ кўзга ташланмоқда. Чин қалбимдан айта оламанки, Мустақиллик барчамиз учун олий, буюк бир неъмат бўлди. Мана ўн йилдирки, унинг тотли мевалари халқимизни хушнуд этмоқда, яшашга, яратишга ундамоқда. Бугунги ўзгаришларнинг барчасини муҳим деб биламан. Тилимиз, динимиз ўзимизга қайтгани, мамлакатимиз барча жабҳаларда жаҳонга танилаётганини, иқтисодиётимиз ривожга юз тутганини кўриб турибмиз. Айниқса, замонавий юксак унумли технологияларнинг юртимизга кириб келиши, улар асосида яратилаётган рақобатбардош, сифатли маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин олаётгани, хориж билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар, уларда тайёрланаётган энг сара маҳсулотларга «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан хорижга чиқарилаётгани ҳаммамизни фахрлантиради, халқимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик эса буюк давлат келажагига ишонтиради.

Ўзим аёл, она бўлганим боис ҳам мустақиллик йилларида хотин-қизларга, оналарга ғамхўрликдан, эътибордан, келажак авлод соғломлиги учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан кўнглим тоғдек кўтарилади. Ахир келажак авлод — миллатимиз давомчиси, менинг, барча оналарнинг, азиз ўзбегимнинг фарзандлари-да. Атрофга назар ташласам, ҳамма жойда ўзгариш, инсонларимиз тадбиркор, ташаббускор бўлиб бормоқда, истиқлол шарофати билан қалбдаги тугёнлар юзага чиқмоқда, дилдаги ва қўлдаги кишанлар ечилди.

Яна энг муҳими, энг эъзозлиси ўтганлар хотираси, шаҳидлар руҳи-покларига таъзимдир. Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» хиёбонининг бунёд этилиши бу ёшларимиз учун ҳам ибрат мактабидир. Ўтган ўн йил Тошкентимизга шунақанги гўзаллик, улуғворлик бахш этдики, кўриб кўз қувнайди, дил яйрайди, қалблар фахрга тўлади. Муҳими, биз ўз она юртимиздан, муқаддас тупроғимиздан, қалбга яқин барча ватандошларимиздан фахрланиш, шундай мамлакатда яшаётганимиздан ғурурланиш туйғуларига эга бўлдик. Ўзимизни, ўзлигимизни ҳам сўз, ҳам кўз, қалб билан танидик.

**2. Истиқлолнинг шахсан ўз тақдирингизга таъсири, атрофдагилар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз?**

— Ўтган ўн йил мен учун шунақанги қадрли бўлдики, шу боис ҳам аждодларимиз истаган, умид қилган, биз авлодларга насиб этган Истиқлолдан мамнунман. Мен чинакамига «Истиқлолим — истиқболим» деб айта оламан. Мендай бир оддий тикувчига эътибор, ҳурмат-эҳтиром ҳам мустақиллик шарофатидандир. Кўп йиллик меҳнатим юксак унвон билан тақдирланди. Республикамиз Президентининг Фармонига кўра «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» шарафли унвонига сазовор бўлдим. Бу, албатта мустақилликнинг биздек оддий, меҳнаткаш инсонларга эъзози, меҳри деб биламан.

Мустақиллик йилларида оиламда ҳам бахтли лаҳзалар кўп бўлди. 4 фарзандимнинг 2 таси оилали бўлди, ҳозир уч нафар жажжи набираларнинг бувисиман. Кейингиларим олий ўқув юрти ва мактабда таълим олишмоқда. Мен шунга аминманки, атрофимда бахтли, саодатли инсонлар жуда кўп. Энг муҳими, барчамиз ана шу бахту саодатни юрт севгиси, ҳалол меҳнат иштиёқи билан қўлга киритаяпмиз.

**3. Келажакдаги буюк давлатни барпо этиш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақидаги фикрларингиз?**

— «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» дейишганида қалбим фахрга тўлади. Тасаввуримда уни ҳеч бир мамлакатга тенглаштира олмайман, у ягона, у танҳо. Албатта, бу она-Ватанимга бўлган муҳаббатимдандир. Менимча келажагимиз янада порлоқ бўлишида, гуллаб-яшнашимизда барчамизнинг муносиб ҳиссамиз бўлмоғи керак. У қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, билимли, доно, ўз ишининг устаси бўлса, юртим, элим деб қалбидан ёниб меҳнат қилса, ана шундайлар керак бугун мустақил мамлакатимизга. Ташаббускорлик, тадбиркорлик ҳаммамизга хос бўлиши даркор. Фарзандларимиз қалбига туғилганидан юрт меҳрини солмоғимиз керак. Бунданда кучли, бунданда фаровон, бунданда саодатли буюк давлатнинг яратувчилари эканлигини фарзандларимиз онгига сингдиришимиз лозим. Улар аждодларимиз ишини давом эттириб, Ўзбегимнинг довруғини яна бир бор оламга ёйсин — бундай бахтдан қалбларимиз ғурурлансин. Негаки, улуғлари, буюклари бор мамлакат чинакамига бадавлат бўлади.

**4. Энг улуғ, энг азиз айёмимизга сиз меҳнат қилаётган жамоа ва шахсан ўзингиз қандай натижалар, туҳфалар билан бориш ниятидасиз?**

— Жамоамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Мен меҳнат қилаётган 3-цехда 150 нафар аёл ишлайди. Энг қувонарлиси, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида цехимиз қайта таъмирланиб, барча шарт-шароитлар яратилди. Жамоамизда яхши ишлаш, мазмунли дам олиш, зарур хизматлардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар етарли. Бизнинг асосий мақсадимиз эса бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, сифатли ва харидорбоп маҳсулотлар тайёрлашдир. Энг азиз ва энг улуғ байрамимизни жамоамиз аҳли янги моделлар яратиб, эркакларимиз учун замонавий, хушбичим костюм-шимлар ишлаб чиқариб кутиб олишяпти. Корхона муваффақиятига ҳар бир ишчи-хизматчи ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Сифат ва самарадорлик ишимиз асоси бўлади. Менинг ниятим эса чеварларимизнинг толмас қўллари билан тайёрланган маҳсулотлар келгусида жаҳон бозоридан муносиб ўрин олсин.

# БАНК ва мижоз



**Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банки тизимини ислоҳ қилиш дастурини 2000-2003 йиллар давомида амалга ошириш мўлжалланган. У акциялаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акцияларининг 40 фоизи ҳамда «Асака» банк акцияларининг 50 фоизини хорижлик инвесторларга сотиш йўли билан босқичма-босқич хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришни кўзда тутади. Бундан ташқари мамлакатимиздаги инвесторларни жалб этиш ҳисобига «Ўзуйжойжамғармабанк», «Тадбиркор» ва «Замин» банклари низом сармоясида давлат улушини пасайтириш режалаштирилмоқда.**

**Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаси бошлиғи Атҳам ҲАЙДАРОВ билан суҳбати ҳам банк соҳасида юз бераётган хайрли ўзгаришлар тўғрисида бўлди.**

МУСОҲАБА

## Банк соҳасидаги салмоқли ўзгаришлар

**— Пойтахт мисолида бўлса-да, бугунги кунда молия институтлари ривожида рўй бераётган сезиларли ўзгаришлар тўғрисида гапиришимиз мумкинми?**

— Саволингизга ҳа, дея жавоб бера оламан. Зеро, Тошкент шаҳридаги банк тизимидаги ижобий ўзгаришлар авваламбор хусусий сармоя иштирокидаги тижорат банклари сонининг кўпайиши ва илгариги ихтисослашган банкларнинг универсаллашуви жараёни, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турларининг кенгайиши билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан кейин «Алп Жамол», «Туркистон», ХИФ, «Карвон», «Бизнес-банк», жорий йилда эса «Капитал» ва «Равнақ» банклари ташкил этилди.

Бугунги кунда Тошкентда тижорат банкларининг 30 та бош офислари ва уларнинг 92 та филиали, жумладан 7 та хусусий банк, 5 та қўшма банк ва битта хорижий банк фаолият кўрсатмоқда. Республика иқтисодиётига хусусий сармояни жалб этган ҳолда мазкур молия институтлари юқори самарали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмак беради. Ҳозирда улар йилнинг ўтган 7 ойи давомида КЎБ субъектларига ўтган йилнинг худди шу даврига солиштирганда 2,2 баробар кўп кредитлар берилди. Уларнинг ҳажми 21,4 миллиард сўмга етди. 386 миллион сўмлик микрокредитлар 200 та тадбиркорга берилди. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар 2633 та янги иш ўринларини ташкил этишга ёрдам берди.

Кредитлаштириш тартиби бутунлай ўзгаргани ҳисобига у тобора ривожланиб бормоқда. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига кредитлаштириш жараёни ҳам сезиларли даражада осонлаштирилди. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига 173,5 миллион сўмлик ҳажмда кредитлаштириш амалга оширилгани ҳам буни исботлайдиган далилдир. Ҳозирда деярли ҳар бир тадбиркор кредит олиш имкониятига эга. Эндиликда якка тадбиркор кредит олиш учун банкка иккита, юридик шахс эса учта ҳужжат топшириши етарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тижорат банкларида шахсий хизматларнинг саноқли турлари билан чекланмасдан, молиялаштиришнинг янги йўлларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги пайтларда фуқароларнинг пул қўйилмаларининг сони ва ҳажмининг сезиларли даражада ошишини ҳам банкларга бўлган ишончнинг муҳим кўрсаткичи сифатида баҳолашимиз мумкин.

Кескин рақобат ва мижоз учун кураш кетадиган шароитларда банкнинг муваффақияти кўрсатиладиган молиявий хизматлар нархлар нисбатида ижтимоий талабга қай даражада мос келиши, қанчалик сифатли ва рақобатбардош эканлигига боғлиқдир. Шу сабабли банкдан узоқда бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришга муҳим ўрин ажратилмоқда. Ана шу мақсадда тадбиқ этилган «Банк-мижоз» илғор тизими мижозга ўз офисида компьютерда ишлаган ҳолда пул ресурсларини тезкор бошқариш имконини беради.

Бугунги кунда молиявий ресурсларни жамлашдан ташқари тижорат банклари лизинг, инжиниринг, консалтинг ва траст хизматларини кўрсатишни бошладилар. Кредитлар олиш учун зарур бўлган бизнес-режаларни тузишда кўмаклашиш учун лойиҳавий молиялаштириш марказлари очилди. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Трастбанк», «Санқурбанк», «Асакабанк», «Ўзуйжойжамғармабанк» ва бошқа банклар бўлимлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Шахсий бизнес билан шуғулланишни истовчилар учун ҳам ҳисоб рақамини очиш учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Бинобарин, тадбиркор ўз молиявий фаолиятининг кўлами, даромад келтириши, сармоянинг етарлилиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда юқоридагиларга мос келадиган банкни мустақил равишда танлаши мумкин.

Шуни таъкидлаш кераккки, мижоз томонидан «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоблари тўғрисида»ги йўриқномада кўзда тутилган барча ҳужжатлар топширилганида, ҳисоблар бир кун ичида ҳам очилиши мумкин.

**— Кейинги пайтларда тижорат ва акционерлик банклари катта мустақилликка эга бўлдилар. Эндиликда ўз кредит сиёсатларини уларнинг ўзлари белгиламоқдалар. Бу биринчи навбатда нимага йўналтирилган?**

— Бугунги кунда ҳар битта тижорат банки ўз кредит сиёсатини ўзи мустақил равишда амалга оширмоқда ва у жорий банк стратегияси ва иқтисодий вазиятга мос келади. Одатдагидек, у қувватни қўллаб-қувватлаш, акционерларни узоқ муддатли инвестициялардан энг юқори даромад билан таъминлаш, хатарни диверсификациялаш, кредитга бўлган эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига ўз кредит сиёсатларини ишлаб чиқишлари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган тавсиялар юборилган. Бу тижорат банкларига мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини беришни, ўз йўналишига мос равишда фаолиятининг сиёсати ва амалга ошириш йўлини ишлаб чиқишни асло чекламайди.

Шаҳар банклари иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Унга хизмат кўрсатувчи тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун анча катта ҳажмдаги кредитлар ажратилди. 2001 йилнинг 1 август ҳолатига кўра Тошкент шаҳридаги тижорат банкларининг кредит қўйилмалари 230,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шаҳардаги тижорат банклари иқтисодиётнинг аниқ соҳаларини фаол молиялаштиришни давом эттирмоқдалар.

**— Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш яна бир жиддий устувор йўналишлардан бири бўлиб, замонавий кредит ушбу соҳа тараққиёти учун муҳим омилдир. Иқтисодиётнинг ушбу соҳасини кредит билан таъминлаш қандай амалга оширилмоқда?**

— Кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки учун энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Уни ҳал қилиш бирламчи вазифадир. Кредитлаштиришнинг ишлаб чиқилган меъёрий базаси, лойиҳаларни кўриб чиқиш тартибидан ташқари Марказий Банкнинг ҳудудий бўлинмаларида бўлимлар ташкил қилинган бўлиб, унинг ходимлари кичик ва ўрта бизнес субъектларидан тушган шикоят ва мурожаатларга дарҳол жавоб қайтарадилар, ишонч телефонлари ишлаб турибди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб бутун иқтисодиётни тараққий эттириб бўлмайди. Бизнинг муайян мижозларимиз бизнесининг ривожланиши эса банкларнинг ривожи учун ҳам ишончли истиқбол ҳисобланади.

Умуман, фақат Тошкент шаҳри бўйича жорий маблағлари ҳисобига микрокредитлаштириш махсус жамғармаларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу эса тадбиркорларга имтиёзли асосда кредитлар олиш учун кенг йўл очди.

**— Олий ўқув муассасаларида тўлов-шартномали асосда таълим олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори доирасида таълим кредитларининг берилиши банклар учун фаолият йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим. Ушбу йўналиш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?**

— Марказий банкнинг Бош бошқармасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан яқинда қабул қилинган қарорнинг бажарилишига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди ва унинг ишида шаҳар тижорат банклари ва улар филиалларининг раҳбарлари иштирок этди. Мазкур қарорда ёшларнинг таълим олишлари учун зарур шароитларни яратиш, талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Семинарда талабаларга кредит ажратиш тартиби ва кўзда тутилган имтиёзларнинг берилиши тўғрисида батафсил тушунтирилди. Жумладан, асосий миқдори ўқув муассасасини тугатгандан сўнг бериладиган имтиёзли даврда мўлжалланган кредитлар, ота-онаси йўқ етимлар, Меҳрибонлик уйлари-интернатларининг тарбияланувчилари, I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз таълим кредитлари берилади, кам таъминланган оилалар талабаларига эса кредит учун фоиз тўловлари суммасининг 50 фоизи белгиланган тартибда бандликка кўмаклашиш давлат фонди маблағларидан тўланадиган кредитлар ажратилади.

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилинган талабаларнинг таълим олишлари учун тўлов-шартномали асосда талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилади. Бундай кредитларни олувчининг яшаш жойи атрофида жойлашган тижорат банклари муассасаларида расмийлаштириш мумкин.

Таълим кредитлари олий таълим муассасаларида ўқиш даврининг ушбу муддатларига қўшилгани ҳолда бакалавриатга кирган шахслар учун 10 йил муддатга, магистратурага кирганлар учун эса — 5 йил муддатга берилади.

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан қайтариш, тўлаш муддатига риоя қилиш ва мақсадга кўра фойдаланиш тамойиллари бўйича берилади. Қарз олувчи банкка таъминлашнинг қуйидаги шаклларидан бирини топшириши керак: мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш; банк кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги, суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтарилмаслиги хатарини суғурталаши тўғрисидаги суғурта полиси; фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларининг кафиллиги (фақат чин етимлар, Меҳрибонлик уйлари-интернатларининг тарбияланувчилари, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун).

**— Аҳоли омонатининг кўпайиши банкларга бўлган ишончнинг муҳим кўрсаткичи эканлигини таъкидлаб ўтдингиз. Аҳолининг эркин маблағларини жалб этиш учун нима ишлар қилинмоқда?**

— Шаҳар тижорат банклари томонидан аҳоли маблағлари улушини кўпайтириш мақсадида ресурслар негизида омонатларнинг кўплаб жозибали турлари тадбиқ этилди. Улар муддатлари ва фоизларига кўра аҳоли учун манфаатлидир. Улар асосан байрам кунлари олдидан очилади. Масалан Наврўз ва 8 март байрамлари олдидан йиллик 100 ва 70 фоизларни тўлашни ҳисобга олган ҳолда омонатлар очилади. Кўпгина банклар жорий йил давомида янги минг йиллик ва янги асрга бағишланган омонатлар очишди ҳамда улар бўйича йиллик 40 дан 60 гача фоизларни тўлашди. Қисқа муддатли омонатлар билан бирга бир, уч ва беш йилга мўлжалланган ҳамда талаб қилиб олгунга қадар омонатлар турлари ҳам мавжуд. Жамғармаларни ривожлантириш ишига «Ўзсанқурбанк», Миллий банк, «Асакабанк», Халқ банки, «Авиабанк», «Туронбанк», «Пахтабанк» ва бошқа кўпгина банклар ўз салмоқли ҳиссаларини қўшишди.

2001 йилнинг 1 августига аҳолининг омонатлари 29,3 миллиард сўмга етди ва йил бошига солиштирганда 7 миллиард сўмга ошди. Эркин пул маблағларини омонатга қўйиш йўли билан сақлаш фақат банклар учун эмас, балки аҳоли учун ҳам манфаатлидир. Зеро, молия институтларининг ресурслари қанчалик кўп бўлса, уларнинг кредитларни бериш, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштириш ва албатта омонатлар бўйича юқорироқ фоизларни тўлаш учун имкониятлари ҳам шунчалик кенг бўлади.

АНЖУМАНЛАР

## Жаҳон банки гранти бўйича

**Иқтисодий тадқиқотлар Маркази шу йилнинг 17 сентябридан 27 сентябрига қадар бўлиб ўтадиган ўзининг навбатдаги ўн кунлик семинарига тараддуд кўрмоқда. Вашингтондаги Халқаро валюта фонди институтининг халқаро маслаҳатчиси, жаноб Томас Лехвинг «Молиявий дастурлаштириш» курси юзасидан маъруза ўқийди.**

Шуни айтиш кераккки, иқтисодий тадқиқотлар Маркази Жаҳон банки томонидан берилган грант шарофати билан «Иқтисодий сиёсат таҳлили» деб аталувчи туркум курсларни ташкил этиш имкониятига эга бўлинди.

Таълим дастуридан икки босқичда анжуманларни ўтказиш ва биринчи навбатда Ўзбекистонда иқтисодий сиёсат жараёнларида бевосита иштирок этаётган мутахассисларни уларга жалб этишни кўзда тутган. Ушбу курслар ташқи савдо назарияси ва сиёсати, макроиқтисодий ҳисоблар, таҳлил ва дастурлаштириш, антимонопол сиёсати, рақобат, фирмалар назарияси ва шунга ўхшаш масалаларни қамраб олган. Машғулотларда нафақат маърузалар ўқиш, балки тингловчиларнинг фаоллиги, Ўзбекистон, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, МДҲ давлатлари иқтисодий тараққиёти амалиётидан аниқ мисолларни ўрганишни ҳам кўзда тутади.

Иқтисодий тадқиқотлар Маркази ўқув дастурларининг мувофиқлаштирувчиси Равшан Қаюмов таъкидлаганидек, 1999 йилнинг августидан режалаштирилган 14 та курсдан яна 7 таси амалга оширилди. Умумий ҳисобда дастур доирасида долзарб ва ранг-баранг мавзулар бўйича 500 га яқин мутахассисга билим берилди. Улар ҳозирги пайтда олган билимларини амалиётда қўлламоқдалар.

Кейинги ўтказилган анжуманлар пайтида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни маҳаллийлаштириш масалалари қамраб олинди. «Пул-кредит сиёсати ва молиявий тизимлар» анжуманида Марказий Банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асака» банки вакиллари фаол иштирок этди.

Дастур якуни келгуси йилнинг март ойига белгиланган. Демак турли вазирликлар, идоралар ва уларнинг минтақавий бўлимлари мутахассисларини яна ўқи тилажак 9 та курс машғулотлари кутмоқда.





ДУНЁ АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИГА

## Янги хизмат

**Бундан бир йил муқаддам республика молия-банк бозоридаги «Бизнес-Банк» хизматининг кенг ва хилма-хил турларини жорий этиш мўлжалини олди. Яқиндан бошлаб эса қўшимча яна бир янги хизмат тури жорий этилди. Жаҳоннинг 186 мамлакатида фаолият кўрсатаётган «Вестерн Юнион» тизими орқали аҳолига носавдо операциялар бўйича пул ўтказиш хизматлари кўрсатила бошланди. Шундай қилиб Ўзбекистон «Вестерн Юнион» компанияси томонидан ташкил этилган пул ўтказишлар халқаро тизимини жорий этган 187-давлат бўлди.**

«Бизнес-Банк» замонавий алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда ана шу хизматни кўрсатишни бошлаган ҳозирча ягона банкдир. «Вестерн Юнион» тизими тузилишининг тамойиллари ва унинг ишига асос қилиб олинган технология юксак тезлигини таъминлайди ва бунда ҳатто фавқулодда шароитларда ҳам пул воситаларини ўтказиш бўйича операцияларнинг бажарилиши ишончлилигини кафолатлайди.

Американинг «Вестерн Юнион» компанияси бундай хизмат кўратиш тизимига бундан 150 йил муқаддам ўтган бўлиб, тизимнинг ўзига хос ҳукмронидир. Компания ташкил этилгандан сўнг 20 йил ўтгач, 1871 йили у пул ўтказишларни ривожлантиришни интенсив равишда бошлади ва бу хизматни таъминлаш борасида замонавий алоқа воситаларида қадам-бақадамликни йўлга қўйди. XIX асрнинг охирида ўз фаолиятини бошлаган «Вестерн Юнион Файнэншл Сервисез, Инк.» ўз бизнесини муваффақиятли равишда XXI асрга ҳам жорий этди ва жисмоний шахсларга банк ҳисобларини очмасдан туриб пул ўтказишлари соҳасида жаҳонда карвонбоши бўлиб қолди. Компания ҳар йили «Вестерн Юнион»нинг биргаликда ташкил этилган халқаро тизими шериклари орқали ўнларча миллион пул ўтказиш операцияларини бажармоқда.

Шуни айтиш кераккки, «Бизнес-Банк» чиндан ҳам ўз мижозларининг қадрига етиб, уларнинг маблағлари ҳамда бизнесларини сақлашга ёрдам бериб, ўз фаолияти давомида ишончли ва салмоқли шерик сифатида ўзини ҳар томонлама кўрсатди.

САВОЛ СИЗДАН...

## «Сезам» — бу ишонч дегани

**Эшитишимча, эндиликда банкларда сейфларни ижара қилиш мумкин экан. Илтимос, ана шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.**

**Р. Ҳамроқулов**

**«Оқшом» муштарийсининг юқоридаги саволига Халқ банки шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари К. Мадраҳимов қуйидагича жавоб қайтарди:**

— Муассасаларга хизмат кўрсатиш усулларини кенгайтириш мақсадида Халқ банки хизматнинг янги тури — «Сезам» сейфини жорий қилди.

Бундай хизмат туридан хоҳлаган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан мамлакатимизда ўз фаолиятини амалга ошираётган ва унинг ҳудудида вақтинча яшаётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам фойдаланишлари мумкин. «Сезам»нинг ҳар бир сейфига турли ҳажмдаги 44 та металл ячейкалар киради. Унда мижоз ўзининг қимматли буюмларини, пул маблағларини, ҳужжатларни сақлаши мумкин. Банк эса бундай омонатларнинг тўла сақланишига кафолат беради. Сейф ячейкалари тўлдирилаётган пайтда сейф сақланаётган хонада банк ходимлари қатнашмайди.

Мижоз сейф ячейкасини ижарага олиш учун Халқ банкининг марказий бўлимига мурожаат қилмоғи, бошқарувчи номига ёзма равишда ариза ёзмоғи, шахсини тасдиқлайдиган гувоҳномани кўрсатмоғи даркор. Шу куннинг ўзидаёқ ариза ёзган киши билан тегишли шартнома имзоланади. Мижоз сейф ячейкаларидан қандай фойдаланиш шарт-шароитлари билан таништирилади. «Сезам» хизматларидан фойдаланиш муддатлари чегараланмаслиги мумкин, унинг қиймати эса бир кунда энг кам иш ҳақининг икки фоизини ташкил этади.

Хизматнинг бундай янги усули хориждаги банкларнинг тажрибасини ўрганиш ва мижозларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадларида жорий этилди.

Ҳозирги вақтда Тошкентда «Сезам»нинг 10 та сейфи тўлалигича жиҳозланган, бу умумий қилиб олганда мижозларга 440 та металл ячейкалар хизмат кўрсатади деган сўздир. Шундай экан биз сизларга хизмат кўрсатишдан севинамиз.




Мустақил юрт ота-боболар чироғи ёниқ хонадонга ўхшайди. Чунки бунда аждодларнинг руҳи шод, замондошларнинг мавжи баланд, авлодларнинг келажаги порлоқ.

Халқига қайишган Йўлбошчига эга халқ меҳрибон ота бошчилик қилаётган катта бир оилага ўхшайди. Чунки бунда ота меҳридан каттаю кичик баравар баҳраманд бўлади, тенглик бор жойда эса адолат тантана қилади, равнақ топишга кенг йўл очилади.

Тили давлат тили мақомига эришган юрт булбуллар чақ-чақ этаётган боғ-бўстонга ўхшайди. Булбул макон тутган жойга зоғлар келмайди, уларга ўрин ҳам йўқ бунда.

Президент Ислом Каримов йўлбошчилигида зўр шижоат ва тафаккур йўли ила қўлга киритилган миллий истиқлолимиз шарофати билан хиралашиб қолган ота-боболар чироғи яна порлай бошлади, аждодларнинг руҳи шод бўлди, халқимизнинг қулфи дили очилиб кетди, бир неча ўн йиллар давомида беркитиб ташланган илм ва ижод булоқлари яна юзага чиқди, миллатимизнинг қадди тикланди, қадри юксалди, ўз салоҳияти ва келажагига ишончи кучайди, кутлуғ Ватан — Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси аввало инсон сифатида қадр топди. Мустақил давлатнинг ҳур фуқароси бўлишлик — юксак маънавий ва ҳуқуқий неъматдир. Бундай олий бахт-саодатга сазовор бўлишимиз бизлар учун ҳам, келажак авлодларимиз учун ҳам ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигида миллатимиз қўлга киритган энг буюк тарихий воқеадир. Бу шундай такрорланмас, оламшумул тарихий воқеаки, солиҳ фарзандларимиз, олис-олис авлодларимиз миннатдорчилик ила қайта-қайта ёдга олишлари тайиндир.

Ўтган асрнинг сўнгги 10 йиллиги — бошланиб кетган 3-мингйилликдаги тақдиримизни ҳам белгилаб берган хосиятли давр десак арзийди. Хўш, бу нарса нималарда кўринади?

БУГУННИНГ ҚАДРИ

# Қутлуғ юрт — Ўзбекистон

Биринчидан, шу даврда миллий мустақилликка эришдик. Маълумки, бу тарихий воқеа расман 1991 йилнинг 31 августида юз берди, халқимизнинг салкам бир ярим асрча орзу қилиб келган эзгу нияти ушалди, ўша куни Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида»ги Қонун эълон қилинди. Ҳа, расман шундай. Амалда эса давлат мустақиллигига эришишимиз Ислом Каримов бошчилигида тадрижий тарзда уч босқичда олиб борилди.

Биринчи босқич. 1989 йилнинг июнидан 1990 йилнинг 24 мартигача бўлган давр. Бу даврда Ислом Каримов лавозими бўйича Марказкомнинг биринчи котиби деб аталса-да, Юртбоши сифатида мамлакатимизни бошқарди, халқимизнинг туб манфаатларини кўзлаб иш юритди, республикамизда ва, шунингдек, минтақада тинчлик-хотиржамлик бўлиши учун, миллий низоларни бартараф этиш учун зўр матонат кўрсатди, қардош халқлар ўртасида биродаркушлик бўлишининг олдини олиб қолди, юртимиз иқтисодий аҳволини яхшилаш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифат ва маънавият масалаларига эътибор қаратди. Масалан, Олий Кенгаш сессиясида халқимизнинг кўп йиллик орзуси бўлмиш қонун — ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақидаги қонун ҳам худди шу даврда қабул қилинди.

Иккинчи босқич. 1990 йилнинг 24 мартидан 1991 йилнинг 31 августигача бўлган давр. Маълумки, собиқ Ўзбекистон ССРнинг барча Конституцияларида, шу жумладан, 1937 ва 1978 йилги Конституцияларда Ўзбекистон расмият учун гарчи «суверен республика» деб эълон қилинган бўлса-да, амалда эса на де-факто тарзда, на де-юре тарзда мустақил эмасди, балки собиқ СССРдек унитар давлатнинг бир қисми ҳисобланарди. Бу босқичда Юртбошимиз давлат арбоби сифатида республикамизнинг қоғозда қолиб кетган мустақиллик ҳуқуқини тиклади, мамлакатимизда Президент лавозими ва президентлик бошқаруви жорий этилди. Республикамизнинг де-факто мақомидаги мустақиллигини собиқ марказ ҳам эътироф этишга мажбур бўлди. Бу ҳуқуқимизни гарчи норасмий тарзда бўлса-да, чет эл мамлакатларида ҳам тан ола бошладилар. Масалан, 1991 йил август ойининг иккинчи ўн кунлигининг охирларида Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Ҳиндистон Республикасига ташриф буюриб, Ҳиндистон Президенти ва Бош вазири билан самарали музокара олиб бориб, тегишли шартнома ва ҳужжатларни имзолаган эди.

Учинчи босқич. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинишидан бошланди. Шу кутлуғ санадан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳам де-факто мақомида, ҳам де-юре мақомида халқаро ҳуқуқнинг бир субъекти — тўла мустақил ва суверен давлат, Ислом Каримов ўзи бошчилигида қайта тикланган ўзбек давлатининг Президенти ва халқимизнинг Йўлбошчиси. Бинобарин, кутлуғ Ватан — Ўзбекистон ва Ислом Каримов номлари эгизак тушунчалар бўлиб қолди. Буни нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки тақдир тақозоси ила хорижий ўлкаларда яшаётган ватандошларимиз ҳам эътироф этганлар. Шу ўринда Саудия Арабистонида яшовчи бир гуруҳ ватандошларимиз томонидан жумҳуриятимизга, демакки, биз — Ўзбекистонда истиқомат қилувчи фуқароларга қаратилган бир мактубдан қуйидаги сатрларни келтиришни жоиз деб биламиз:

«Аҳли басийрат ўзбеклар, айниқса, ғурбат диёрларда, ватансиз ва эгасиз эзилганлар Ислом Каримовни жуда ҳам олий миллий шуурга соҳиб деб билдилар. Улуғ Тангрига шукрки, вақт ва замон ижобатига кўра ҳақиқатлар зоҳир бўлмоқда.

Ислом Каримовнинг амаллари, ҳар бир қадамлари алоҳида-алоҳида Ватан ободлиги, ва миллат тинчлиги учун улуғ хизмат бўлиб, нурафшон сўзларининг ҳар нуқта-нуқтаси мухлис ва вафоликдир, миллатига ифтихор ва гавҳардир. Албатта, шундай улуғ раҳбаримиз билан қувонамиз ва фахрланамиз...

Муҳтарам раҳбаримиз Ислом Каримов ўзбек миллатига оталигини билдирди ва собит қилди... Худога шукрки, ўзбек миллатига ота топилди, эга топилди ва бошлиқ топилди».

Дарҳақиқат, худди шундай!

Аёнки, қобил, солиҳ ва солиҳа фарзандлар оталарига суянчиқ бўладилар, якдил ва ҳамқадам бўладилар, мадорига мадор, қувватига қувват қўшадилар. Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг маънавий падарлари бўлмиш Йўлбошчимизга келажаги буюк давлат бунёд этиш юмушида сидқидилдан ҳамқадаму ҳамнафас бўлмоқдалар. Бу барча муваффақиятларимизнинг биринчи омилидир.

Шундай қилиб, ўн йилдирки эркин тараққиёт йўлидамиз. Истиқлолга эришиш ва истиқлол йиллари бўлмиш бу давр ичида давлатимиз, жамиятимиз, фуқароларимиз шу қадар улкан ва тарихий ютуқларни қўлга қиритдики, бу нарсаларнинг қиёси йўқ... Вақт бетўхтов ҳаракатда. Ҳамма нарса ўз замонасига қараб баҳоланади, ҳар бир даврнинг ўз мезони бордир. Масалан, XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигининг ўз мезони бўлган, хайрлашганимиз XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мезон ҳам ўзгача бўлди, бу давр ўзбек халқи учун Миллий Уйғониш, Миллий Тикланиш замони бўлди; кутиб олганимиз — XXI аср эса Миллий Юксалиш даври бўлажак, иншооллоҳ!

Иккинчидан, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида халқимиз шуурида Ватан тушунчаси аниқ маъно-мазмун касб этди, Шўролар замонидаги мавҳумлик йўқолди. Ўзбекистон Республикаси ўзбек халқининг, мамлакатимизда яшовчи барча фуқароларнинг Ватани экани аёнлашди. Майдони 447 минг 400 квадрат километр бўлган Ўзбекистон маъмурий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 162 туман, 109 шаҳар, 115 кичик шаҳар, 1315 қишлоқ, 112 овулдан иборат; аҳолиси 25 миллиондан ошиб қолди, шундан бешдан тўрт қисмини ўзбеклар ташкил этади. Туғилиш, яъни халқимизнинг ёшариши ва кўпайиши кучли. Бир мисол. 2001 йилнинг биринчи ҳафтасида — 1-7 январь кунлари биргина Тошкент шаҳрида 1600 нафар чақалоқ туғилгани рўйхатга олинган.

Учинчидан, истиқлол йилларида Ватан тушунчаси бойиди ва халқимизда Ватан туйғуси янада кучайди. Маълумки, одамнинг шаклу шамойили, бўй-басти, кўриниши, жуссаси, туси, кўз қарашлари, юриш-туриши, муомаласи, овози, тароватии, хуллас, ички ва ташқи дунёси у таваллуд топган, униб-ўсган ва камолотга етган жойга монанд бўлади. Етти иқлим кишилари етти хилдир. Демак, одам ўз Ватанининг бир заррасидир. Ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда чегараланган ҳудуд ота юрт, она Ватандир. Бизким, ўзбеклар учун Ўзбекистон Республикаси она-Ватанимиздир. Бу ўринда давлат ва Ватан айни бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси деганимизда Ватанимизни тушунамиз, Ватан деганда Ўзбекистон Республикасини идрок этамиз.

Ватан туйғуси — муқаддас туйғу. Йигирма етти асрлик давлатчилик тарихига эга ўзбек миллати рўйи заминнинг маънавий оламига ўзига хос ва теран, жумлаи жаҳон учун муҳим бўлган кўп нарсаларни берғани аниқ. Шулардан биринчиси Ўзбекистондир. Ўзбекистонни ўзбек халқи ўз меҳнати, ақл-идроки билан яратган. Ватанимизни мўъжизалар диёри, жаннатдек мамлакат дейдилар. Бу гўзал Ватан осмондан таппа-тайёр ҳолда ўзича ерга тушиб қолмаган. У тинимсиз меҳнат ила бунёд этилган.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а, агар муттасил уч йил мобайнида юртимизда меҳнат қилиш буткул тўхтатиб қўйилса, далалару боғ-роғлар суғорилмаса, токзорлар хомток қилинмаса, ариқ ва зовурлар тозаланмаса, шўр ерлар ювилмаса, тўғонлару кўприклар тузатиб турилмаса, сел йўллари тўсилмаса, ниҳоллар ўтқазилмаса, экин-тикин қилинмаса, ўлкамизнинг аҳволи не кечарди? Буткул харобага айланиб қоларди. Ҳа, жаннатдек бўлиб кўзга ташланувчи Ўзбекистонни билиш учун ўзбек миллатини англаш зарур. Ҳа, Ватан туйғуси — шу Ватаннинг асл эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак, муштарак тушунча. Бирини ҳис қилиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас. Ўзбексиз Ўзбекистонни, Ўзбекистонсиз ўзбекни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, мабодо Ватанимизда бошқа қавмлар макон тутганда эдими, бугунги Ўзбекистон бўлмас эди, мутлақо ўзгача юрт бўлур эди. Азал котиблари васиқани шундай битибдилар, тақдир бизга кулиб боқибди ёки биз ўзимиз муносиб эл бўлибмизми, Ўзбекистон бизга Ватан бўлибди, биз унга фарзанди комил бўлибмиз.

Бизким, ўзбеклар ҳам хонлиги, ҳам беклиги бор қадим халқларданмиз. Умумтарихимиз етти минг йиллик ўтмишга эга кўҳна Миср тарихи билан бўйлашади. Халқимиз ва Ватанимизга аждодларимиз томонидан берилган ҳам ажиб, ҳам нажиб номлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбекмиз! Миллатимизнинг номи ўзбек! Кўҳна Турону Туркистон заминига туп қўйиб, палак ёзган халқ, бизким, ўзбекларнинг ватанига худди олтин узукка ёқут кўз қўйилганидек муносиб, мазмундор ва шарафли ном берилган: Ўзбекистон!

Ўзбекистон — бу халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу унинг маданияти, маърифати, маънавияти, тили, дини, феъл-атвори, илм-фани, ота-боболаридан қолган олтин мероси, томирларида гупириб турган, аждоддан авлодга ўтиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, буюк давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир. Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир.

Биз ўз Ватанимизни севамиз, у биз учун бамисоли нафас олаётганимиз мусаффо ҳаво кабидир. Ҳавосиз ҳаёт йўқ.

Ўзбек ватанпарварлиги унинг фидойи ва маърифатли фарзандлари тимсолида, қалбида сақланиб келган, зуҳур этмоқда ва сақланажак! Саодатли келажакка ҳозир, ҳар дақиқада улуш қўшмоқ Ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканимизни теран идрок этиш, унга чин фарзандларча муносабатда бўлиш, ундан бир ҳисса нарса олинса, кўп ҳисса қилиб қайтариш Ватанни англаш ва ардоқлашнинг яна бир кўринишидир.

Ер юзида 200 га яқин мамлакат бор. Лекин инсоннинг туққан онаси битта бўлганидек, бизким, ўзбеклар учун Ўзбекистон ҳам ягонадир. Она бағри гўдак учун қандай ҳаётбахш бўлса, Ўзбекистон биз учун шундай ҳузурбахшдир. Бу туйғуни туюш учун Ватанни юракдан ҳис қилмоқ ва севмоқ керак. Бунинг учун киши соғлом, ақлли ва ўтюрак бўлмоғи лозим.

Истиқлол туфайли она-Ватанимиз Ўзбекистоннинг қадри ортди, халқимизнинг қадди тикланди. Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, моҳият аниқлашди ва тиниқлашди.

Истиқлол туфайли Ватан ҳақида, халқ ҳақида, аждодлар ҳақида, ўтмиш ҳақида, қадриятлар ҳақида, мерос ҳақида, бугун ва келажак ҳақида баралла сўзлаш ва куйлаш имконияти туғилди. Бинобарин, ҳақиқий Ватан муҳаббати, Ватан туйғуси мамлакат озод ва обод, халқ эркин бўлгандагина юзага келар экан. Мустамлака йилларимизда Қуръони карим, Ҳадиси шарифларни ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этиб бўлмасди, «халқ душмани» деб қатағон қилинган буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий номида Давлат мукофоти таъсис этишни, соҳибқирон Амир Темурга ҳайкал ўрнатишни ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Муқаддас рўза-рамазон кунларига, ҳайит, Наврўз каби миллий байрам ва сайилларни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Бу каби савоб ишлар фақат истиқлол шарофати билан амалга оширилди.

Тарихни унутиб қўймаслик истиқлол туфайли давримизнинг нурли шиорларидан бирига айланиб қолди. Президентимизнинг буюк ташаббуслари самараси ўлароқ қанчадан-қанча буюк аждодларимиз бугунги авлодлари бағрига яна қайтиб келишди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Машрабга ўрнатилган ҳайкаллар, бунёд этилган янги майдон ва боғлар кўҳна ва навқирон шаҳарларимизга файз бағишламоқда. Бутун мусулмон дунёси эътироф этган буюк муҳаддислар имом Бухорий, имом Термизий, калом илмининг султони Абу Мансур Мотуридий, фиқҳ илмининг сарвари Бурҳониддин Марғиноний, улуғ аллома имом Маҳмуд Замахшарий, валийтарош ва жасур ватанпарвар Нажмиддин Кубро, тасаввуф илмининг улуғ намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд, тинчликсевар уламолардан Хожа Убайдулла Аҳрор ва Зиёвуддин Бобохоновларнинг юбилейлари кенг нишонланди. Тириклигида ҳеч бир рўшнолик кўрмаган Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир сингари зиёлиларимиз аслида миллат гуллари эканлиги эътироф этилди, асарлари яна китобхонларга қайтарилди. Она-Ватанига ва халқига беминнат қилинган хизмат асло унутилмас экани яна бир бор исбот этилди. Улар миллий озодлик ва мустақиллик учун курашиб, шу йўлда азиз жонларини ҳам фидо қилган эдилар. Улар истиқлол замонасида яшаётган биз — бахтиёр ва миннатдор авлодлари билан руҳан биргадирлар. Пойтахтимизда Президентимиз Фармони ва лойиҳаси бўйича Хотира ва Қадрлаш майдонининг, Шаҳидлар хотираси хиёбонининг бунёд этилиши шу фикримизни исботлаб турибди.

Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг олтин бешикларидандир. Қадим Юнонистон Ғарбда цивилизация бобида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон Шарқда худди шундай ўрин эгаллаган. Президент Фармони билан Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларининг ўтказилиши шу фикрни яна бир бор тасдиқ этди. Бу анжуманларда Юртбошимиз шахсан иштирок этиб, нутқлар сўзлади. Бухородаги табрик нутқида, жумладан, бундай деди: «Бухоро «Қуббатул ислом», яъни «Ислом динининг гумбази» ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, «қуввати дини ислом» деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бутун Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир».

«Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган, — деб таъкидлаб ўтди Юртбошимиз Хевада сўзлаган табрик нутқида. — Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир».

Кейин кўп улуғ иш бўлди, бундан минг йил аввал одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш Маъмун академияси Хевада қайта тузилди. Мазкур академия ҳозирги кунда бешта йўналиш — тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология бўйича фаолият кўрсатмоқда. Ҳа, республикамиз раҳбарияти нажот илму урфонда деб билмоқда, илм-фан равнақига оталарча ғамхўрлик қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган барча тадбирлар, барча эзгу ишлар буткул халқ манфаатини кўзлаб амалга оширилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституциямизнинг 7-моддасида таъкидланганидек, «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**

**(Давоми бор).**



*Билимга чанқоқ ёшлар.*

ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

# Фарзандингиз мактабга тайёрми?

**Мана бир неча йилдирки, республикамизда 6 ёшли жисмонан соғлом, ақлан тийрак болаларни мактабга қабул қилиш учун «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис маркази» қошидаги махсус комиссияларда кўрикдан ўтказилмоқда. Биз шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида бу борада олиб борилаётган ишлар билан қизикдик.**

— «Соғлом танда — соғ ақл» деб бекорга айтилмаган, — деди биз билан суҳбатда туман ташхис маркази директори Любовь Яковлева. — Мақсадимиз шуки, билим даргоҳига қадам қўяётган бола жисмонан ва руҳан соғлом бўлсин. Ахир биз орзу қилаётган баркамол авлоднинг булар пойдеворидир. Маълумки, пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, заҳматли меҳнатингиз меваси ҳам шунчалик узоққа етади. Туманимизда 3620 та бола тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим. Ҳозирги кунгача 940 та бола ўтказиб бўлинди. Иш кунларимиз, қабул вақтлари режа асосида, ўтказилаётгани боис ортиқча оворагарчиликлар йўқ. Туманимиздаги ҳар бир мактабнинг алоҳида келадиган кунлари бор, бу ота-оналар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам жуда қулай. Болалар психологи Дилором Раҳимова, дефектолог Гулнора Бурҳонова каби ширинсўз, ўз касбининг устаси бўлган шифокорлар томонидан ўқишга лаёқати, умуметуклик даражаси, кўриш, эшитиш идроки, қисқа муддатли хотира ҳажми, билиш жараёнлари аниқланмоқда.

— Болани мактабга тайёрлаш унинг фақат ёзишни, ўқишни билишидан иборат эмас, — дейди психолог Дилором Раҳимова. — Болани эшитиш, билиш, кўриш, идрок қилишини ривожлантириш керак. Таълим олиш жараёнига уларни тайёрлаш керак. Бунинг учун бола аввало соғлом бўлиши керак, тиббий кўрикдан ўтаётганда албатта биз шу нарсаларга аҳамият берамиз. Ва лозим бўлса уларни саломатлик марказига юбориб даволатамиз.

Биз фарзандини тиббий кўрикка олиб келган ота-оналарни суҳбатга тортдик.

**● Гўзал МУҲСИМОВА, хизматчи:**

— 6 ёшли Шерзодбек ўғлимни тиббий кўрикдан ўтказиб кетяпман. Шифокорларнинг ширин муомаласи, бола билан тез тил топишиб кетиши, етук мутахассислар томонидан ҳар тарафлама назоратдан ўтказилиши менга жуда маъқул бўлди. Болангизнинг соғлом ва зеҳни ўткирлигини, билим олишга чанқоқлигини билсангизгина уни билим даргоҳига бемалол етаклаб борасизда.

**● Зуҳра ТЕМИРОВА, уй бекаси:**

— Менинг кенжа фарзандим 6 ёшда. Тиббий кўрик мен учун сабоқ бўлди. Ота-оналар фарзандини ҳар тарафлама мактабга тайёрлаши лозим экан. Менимча бу ерга келган ҳар бир ота-она мутахассислар билан маслаҳатлашиб, яхши бир хулоса чиқариб кетмоқдалар. Бу албатта келажакда ҳаммамиз учун керак бўлади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

# Янги ижара тизими

**Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари» асосида дарсликларнинг янги авлоди яратилиб, нашр этилмоқда.**

Ҳар йили республикадаги барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактабларнинг барча ўқувчилари дарсликлар билан бепул таъминланмоқда. Шу мақсадда ҳукумат томонидан 2001-2002 ўқув йили учун бюджет ҳисобидан 1,6 миллиард сўм ажратилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-11-синф ўқувчилари учун эса дарсликлар сотувга чиқарилган. Ота-оналарни, айниқса кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё Ривожланиш Банки Лойиҳаси доирасида ва Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февралдаги 68-сонли қарори билан тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастурида ўқувчиларни пулли қайтариб бериладиган дарсликлар билан таъминлаш тизимини, яъни ижара тизимини жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ташкил этиш белгиланган. Мазкур давлат дастурига мувофиқ ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими 2001-2002 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг битта тумани, яъни 14 тумандаги барча мактабларда синов тарзида ташкил этилмоқда.

Дарсликларни тўлалигича бозордан топиш қийин, ижара тизимига тўлиқ жорий этилганда ўқувчиларга ҳамма дарсликлар берилади. Дарсликларни бозордан сотиб олиш учун ота-она 7-8 минг сўм сарфлайди. Ижарага эса шу дарсликларнинг ҳаммасини 1,5-2 минг сўмга олади.

Ота-она фарзандига мактаб кутубхонасидан бир ўқув йили учун керакли китобларни ижарага олади ва китоблар нархининг маълум фоизини тўлайди. Ўқув йили охирида ижарага олинган китоблар кутубхонага қайтарилади. Тажриба синов натижалари муваффақиятли якунланса, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими бошқа мактабларга ҳам тадбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА**

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# ГИЁҲЛАР ИЧИДА УЛУҒИ ИГИР...

Отам Маҳдум Восилий: «Ибн Сино уч нарсага тан берган экан, шулардан бири игир қиёми», — дер эдилар. Ибн Синонинг «Ал-Қонун фи-т-тиб» ва Муҳаммад Ҳусайннинг «Махзан ул-адвиййа» китобларидан игир ўсимлигининг хосиятлари ҳақида ўқиб, уни топишга бел боғладилар ва унинг дарагини Хоразмдан топдилар. Сўнг у ерга отландилар. Хоразмдан игирнинг кўчатларини олиб келиб, ҳовлимизга экдилар.

**Гиёҳлар ичида улуғи игир,**
**Балоғат бобида булуғи* игир.**
**Бадандан дардингни ҳайдаш бобида,**
**Беҳисоб хислатга тўлуғи игир.**

Бироқ уни игир деб берган киши адашган экан. Бошқа ўсимлик бўлиб чиқди. Кейинги йили яна Хоразмга бордилар ва энди ҳақиқий игирни олиб келдилар. Игир сувни севар экан. Ариқлар бўйида гуркираб ўсди. Маҳалладагилар ҳам ундан кўчат қилдилар. Тез орада игир ўсимлиги бутун шаҳарга тарқалиб кетди.

**Қидирсанг даволар кони игирда,**
**Оламнинг хурсандлик они игирда.**
**Даволар жонини қидирсанг агар,**
**Давонинг энг кучли жони игирда.**

Ибн Сино баён қилган игир қиёмини қиблагоҳим тайёрлашга киришдилар. Ибн Сино игир қиёмининг хотирани мустаҳкамлашда тенги йўқ даво, деб ёзган экан. Эҳтимолки, Ибн Сино ёшликда уни кўп истеъмол қилгандир ва шунинг учун ҳам, фавқулодда хотира эгаси бўлгандир.

**Дунёнинг тариху айёми бордир,**
**Бедилу Саъдию Ҳайёми бордир.**
**Хотиранг ногаҳон панд бериб қолса,**
**Ғам ема, игирнинг қиёми бордир.**

Отам қуритилган игир томирларини махсус усуллар билан юмшатиб, асал билан бирга қиём тайёрлашни бизга таълим бердилар. Улар, кучли хотира ярим давлат, дер эдилар. Қиблагоҳимнинг айтишларича, игир иштаҳани очади, заҳарларни кесади, баданга ўрнашиб қолган совуқликларни ҳайдайди, кўзни равшанлаштиради, пешоб ҳайдайди, кишини хурсанд қилади, айниқса, унинг қиёми хотирани мустаҳкамлайди. Игирни араблар табобатида «важи туркий» дейдилар, унинг энг кучлиси Хоразмда бўлади, дер эдилар падари бузрукворим. Кейинчалик игир ҳақидаги маълумотлар мен барча тиббий китобларда мавжудлигини ва уларда игир ҳосиятлари эҳтирос билан ёзилганини кўрдим.

**Одамнинг иззати хотира билан,**
**Оламнинг лаззати хотира билан.**
**Нуқсонсиз меҳнату бенуқсон ҳаёт,**
**Муносиб хизмати хотира билан.**

Қиблагоҳимнинг вафотларидан сўнг, орадан йиллар ўтиб, игир қиёми ёдимга тушиб қолди ва уни тайёрлаб, истеъмол қилишга ва фарзандларимга ҳам едиришга аҳд қилдим. Тайёрлаган игир қиёмим аччиқ чиқиб қолди. Отам ўзлари ёзган «Мажмаъ ул-адвиййа» («Дорилар мажмуаси») китобларида «Агар игир қиёми аччиқ ва тахир чиқиб қолса, истеъмоли қийин бўлса, унга қайтадан сув ва асал солинади», деб ёзган эканлар. Бу ишни бир неча марта такрорладим, барибир аччиқ бўлаверди. Шунда мен игирни кўп солиб юборганимни сездим.

**Игирдан иштаҳа бўлади равон,**
**Қарилар ёшариб, бўлар навжувон.**
**Юрганда, турганда чарчамас асло,**
**Писанд бўлмас унга тоғу тош, довон.**

Яна унга тоза асал солиш керак эди. Тоза асалим тугаб қолаётгани учун солмадим ва уни шундоқ қолдирдим. Эртаси куни қайнотам Абдурашид ва қайнонам Мунаввархон — чолу кампир келиб қолишди. Игир қиёми ҳақида хабар топишди. «Аччиқроқ чиқиб қолди, емаяпмиз», дедим уларга. «Бизга беринг, биз еймиз», дейишди улар. Бериб юбордим. Бир ойдан кейин Аравонга борсам, чолу кампир қиёмни еб тугатишибди.

— Аччиқ нарсани қандай еб битирдиларингиз? — деб сўрадим.

Қайнотам:

— Сиз ҳали ёшсиз, хотирангиз жойида ва дорига муҳтож эмассиз. Агар сиз ҳам биз каби кексайиб, хотира қадрини билганингизда эди, бундан заҳарроқ бўлса ҳам еб юборардингиз! — дедилар.

Мен қайнотамнинг бу сўзидан ўзим учун катта ибрат ва панд олдим.

**Қуввайи ҳофиза** улуғ неъматдир,**
**Неъматлар ичида тўлуғ неъматдир.**
**Неъматлар ҳаммаси кутлуғу бироқ,**
**Хотира баридан кутлуғ неъматдир.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

* Булуғ — камолга етиш.
** Қуввайи ҳофиза — эсда сақлаш қобилияти.

